

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳлар:** Шералиева Ж.  
Мамаджонова М.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

<b>У.Ҳамдамов</b>	
Истиқлол даври ўзбек романлари рамз поэтикасига чизгилар (Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” романи мисолида) .....	198
<b>О.Холматов</b>	
XX аср Ғарб прозасида “Йўқотилган авлод” муаммоси .....	202
<b>Г.Ҳайдарова</b>	
Собир Абдулла ижодида Алишер Навоий аънаналари .....	205
<b>Ҳ.Раҳматжонова</b>	
Аваз Ўтар сатирасида тадрижийлик .....	210
<b>Н.Мўминова</b>	
Халқ инонч айтимлари хусусида .....	213
<b>А.Муҳиддинов</b>	
Тилнинг генетик ва ижтимоий негизли парадигмасининг транзитивлиги .....	216
<b>Д.Юлдашева</b>	
Болалар нутқида лакуна ва унинг ифодаланиши .....	219
<b>Ҳ.Сотвалдиева</b>	
Мақоллар ва уларнинг лингвистик хусусиятлари .....	222
<b>Н.Ҳамраев</b>	
Даврий нашрларда тил тараққиётига доир илмий ёндашувлар таҳлили .....	225
<b>Ш.Асқарова</b>	
Ўзбек-немис билингвизмида интерференция ҳодисалари .....	228
<b>З.Тўйчиева</b>	
Ўзбек тилида исм танлаш масалалари .....	232
<b>Р.Ҳамдамов</b>	
Интернет-маркетинг терминларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ўзбек тилида ифодалаш муаммолари .....	235
<b>Д.Исроилова</b>	
Нофилологик олий таълим муассасаларида талабаларни ўқитиш жараёнида маданиятлараро компетенцияни шакллантириш .....	238
<b>Ф.Анварова</b>	
Чет тили илк ўрганувчиларида юзага келадиган муаммоларни бартараф қилишда машқлардан фойдаланиш .....	242
	<b>ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ</b>
<b>Зулматда зиё излаган юксак салоҳият соҳиби</b> .....	245
<b>Мукаррам инсон ёди</b> .....	248
	<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b>
<b>Библиография</b> .....	250

ДАВРИЙ НАШРЛАРДА ТИЛ ТАРАҚҚИЁТИГА ДОИР ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР  
ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ НАУЧНЫХ ПОДХОДОВ К РАЗВИТИЮ ЯЗЫКА В ПЕРИОДИЧЕСКОЙ  
ПЕЧАТИ

ANALYSIS OF SCIENTIFIC APPROACHES TO LANGUAGE DEVELOPMENT IN  
PERIODICAL PUBLICATIONS

Ҳамраев Нодир Хасанович<sup>1</sup>

Ҳамраев Нодир Хасанович<sup>1</sup>

– Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ходими.

**Аннотация**

Мақолада тил тараққиётига доир турли даврлардаги фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинган. Ўзбек даврий матбуотида тил масалаларига бағишланган мақолаларнинг тўрт босқичи, ёзувнинг тилга таъсири, лотин ва кирилл алифболари, уларнинг афзаллиги ва фарқли жиҳатлари тадқиқ этилган.

**Аннотация**

В статье анализируются мнения и рассуждения разных периодов о языковом развитии. Узбекские периодические издания рассматривают четыре этапа публикации статей по языковым вопросам, а также влияние письма на язык, латинский алфавит и кириллица, их преимущества и различия.

**Annotation**

The article analyzes the views of different periods on language development. Four stages of articles on language issues in the Uzbek periodicals, the influence of writing on language, the Latin and Cyrillic alphabets, their advantages and differences are studied.

**Таянч сўз ва иборалар:** тил, ёзув, матбуот, оммавий нашр, даврий нашрлар, тил тараққиёти, тилнинг аҳамияти, имкониятлари, алифбо, ҳарфлар.

**Ключевые слова и выражения:** язык, письмо, пресса, популярное издание, периодические издания, языковое развитие, значение языка, возможности, алфавит, буквы.

**Keywords and expressions:** language, writing, press, mass publication, periodicals, language development, importance of language, possibilities, alphabet, letters.

Ёзма нутқ кишилиқ жамияти тараққиётининг буюқ ютуқларидан биридир. Ёзув халқларнинг маданий тараққиёт даражасини намоён этади. Ёзма нутқнинг амалий кўриниши сифатида даврий нашрларнинг юзага келиши тил ходисаларини жамиятга боғлаб изоҳлашда ўзига хос аҳамият касб этади. Инсоният ҳаётида матбуот доим муҳим ўрин тутиб келган. Ривожланиш босқичидан ўтаётган ҳар бир жамиятда ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ҳаракатни матбуотсиз, газета ва журналларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Даврий нашрлар ўзининг ҳар бир соҳага таъсир ўтказа олиш хусусияти билан аҳамиятли: «Маълумки, матбуот ижтимоий ҳаётни акс эттириш кўринишларидан бири, реал воқеликни билиш, тадқиқ этиш ҳамда унга таъсир кўрсатишнинг муҳим воситасидир» [1,14]. Таъсир қилиш мобайнида у ўша соҳанинг камчилик-ютуқларини, келажак ва ўтмишини рўй-рост

кўрсата олмоғи керак. Она тили ҳар бир давлатнинг энг муҳим бойлиги, ғурури, фахри ҳисобланади. Унга қандай, муносабатда бўлинса, шу тил соҳиби бўлган халққа шу тарзда ёндашилади. Ҳазрат Алишер Навоий «Тилга ихтиёрсиз – элга-эътиборсиз», деб бежиз таъкидламаган. Шу боисдан ҳам азалдан олимларимиз ва тил учун қайғурадиган ҳар қандай инсон фикрларини таъсирчан чиқишлар орқали кенг жамоатчиликка етказган. Тилнинг аҳамияти, имкониятлари, она тилини эъзозлаш масалаларининг матбуот орқали эълон қилиниши миллий тафаккур даражасини кўрсатади.

Ўзбек даврий матбуотида тил масалаларига бағишланган мақолаларни тўрт босқичга бўлиш мумкин:

1. Жаҳид даври матбуотида тил масаласининг ёритилиши.

2. Мустақилликкача бўлган давр матбуотида тил масаласининг ёритилиши.

3. Мустақилликнинг дастлабки йиллари матбуотида тил масаласининг ёритилиши.

4. Ҳозирги давр матбуотида тил масаласининг ёритилиши.

Жадид даври матбуоти тил тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Боиси, газета ва журналлар Туркистон ўлкаси бўйлаб эндигина ёйилиш арафасида бўлиб, бу, одамларнинг қизиқишини уйғота олган ва бир қанча масалаларга ечим топилиши учун кўмак ҳам берган. Абдурауф Фитратнинг «Иштирокиюн» газетаси 1919 йил 12-июнь кунги 32-сонида чоп этилган «Тилимиз» номли мақоласини бу турдаги илк мақола сифатида баҳолаш мумкин. Унда аччиқ ҳақиқатлар қўрқмасдан тилга олинган. Масалан: «Сўз бу ерда келдими? Чидамоқ кўлдан келмас. Қаболик, дўққилик кўрсатмоқчи бўлиб деймизки: Сиз улусингизни севмайсиз. Шунинг учун турк улуси ва турк тилининг сиз билан иши йўқдир. Қаршингиздаги кишилар бу сўзни эшитиб ўтирмаслар, қиларини қиларлар. Мен улусимни жонимдан ортиқ севаман, дерлар. Буларнинг мана шу сўзлари кўмучдир (ёлғон)...турк тилини севамиз, лекин тили қабодир, мусиқаси тотсиздир, таризи қорондир, деганларнинг ҳам бирикки таёқ еб, қувилмоқлари керақдир, лекин, турк тили бахтсиздир». Абдурауф Фитрат вақтли матбуотда ўзининг тилга оид ушбу мақоласи билан тил масаласига жиддий қарамоқ кераклигини, она тилимизни ҳар қандай таҳдидлар ва чекловлардан халос қилиш, севиш кераклигини уқтирган. Шунингдек, Фитрат ўзининг бошқа мақолаларида ҳам тил мавзусини бот-бот эслаб ўтишни канда қилмайди. Масалан, «Шеър ва шоирлик» адабий муҳофазасида «Туркча сўзларнинг гавдасини бузмай олмоқа кўб тиришкан шоир Навоидир», деб айтиб ўтган. «Тараққий», «Хуршид», «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона», «Нажот», «Самарқанд», «Хуррият» каби газеталар М.Бехбудий, М.Абдурашидхонов, Ҳ.Ниёзий, А.Авлоний, Чўлпон, Л.Обидов, И.Тоҳирий ва бошқалар томонидан нашр этила бошланди ва маърифатпарварлар ўз асарлари билан Туркистонда озодлик, мустақиллик, шунингдек, тилпарварлик ғояларининг вужудга келиши ва ривожланишида катта хизмат қилдилар. Жаҳон матбуотшунослари бу давр матбуотини «эркин дунё матбуоти», деб

номладилар. Лекин Туркистон ўлкаси бундан мустасно эди. Мустамлакачилик зулмини яхшигина тортган бўлса ҳам, юртимиз зиёлилари бутун халқни қийнаётган муаммоларни ёритишдан тўхташмаган. Шу даврнинг энг кўзга кўринган нашрларидан бири ҳисобланган «Маориф ва ўқитувчи» газетаси ўзининг ҳар бир нашрида зиддиятли, муҳокамаларга бой мақолаларини бериб борди. Масалан, 1922 йилнинг 26 февраль 6 март куни Бокуда туркологларнинг биринчи Бутун иттифоқ қурултойи бўлиб ўтди, унда араб ва рус графикалари асосида иш кўраётган туркий халқларнинг ёзувларини лотинлаштирилган алифболарга кўчириш масаласи кўрилди. Қурултойда туркий халқларнинг ёзувларини лотинлаштирилган алифболарга кўчириш таклифи маъқулланди, бу таклифнинг ҳар бир республикада махсус кўриб чиқилиши тавсия этилди. Ана шу тавсиядан сўнг Ўзбекистонда лотин графикасига кўчиш ҳаракати анча тезлашди. Чунончи, «Маориф ва ўқитувчи» журналда чиққан бир мақолада бу ҳақда шундай дейилади: «Нима учун арабдан лотинга ўтиш керак?», Шу сўроққа қисқа қилиб шундай жавоб берамиз:

Араб алифбоси турк тилидаги товушларнинг шаклини тамомила бера олмайди.

Араб алифбоси техника томонидан лотиндан қуйида турадир. Арабда нуқталар, аломатлар, бош, ўрта ва сўнги ҳарфлар бордир. Лотин эса булардан узоқдир.

Араб алифбоси ўқитиш, ўрганиш ишида лотиндан ортада турғони, техника томонининг бузуклиги устига стенография, телеграфия ишида ҳам тўсқинлик қилади» [1,5].

Бундан шу кўриниб турибдики, тилшуносликдаги қарама-қаршиликлар, маълум қарорни қабул қилиш ёки қилмасликка доир қарашларни ёритиб борган рўзномалар, албатта, тил хусусидаги муҳим давлат қарорларини ҳам чоп этган. 1922 йилнинг 29–31 ноябрида Самарқандда тил мутахассислари ва ўзбекшунослар кенгаши ўтказилади. Унда ёзувга оид қуйидаги қарор қабул қилинади: «Бугун ишлатилмоқда бўлган имломизнинг етишмасликларига қарамасдан айтиш мумкинки, кўп имлолардан мукамалдир ...шунинг учун-да бошқадан бир лотин ҳарф ва имлоси масаласини кўтариш ортиқчадир»

[2,121].

«Бутун турк оламининг кўпчилиги томонидан араб ҳарфлари асрлардан бери ишлатилиб келиб, туркларнинг аксариятининг тарих ва адабиёт билан боғланганлигини эътиборга олиб, биз, турклар учун араб ҳарфларини олишни мувофиқ топамиз» [3,141–143].

1938 йилнинг 9- декабрида лотин графикаси асосидаги ўзбек алифбоси ва имлосининг юқоридаги ишчи гуруҳ

томонидан тайёрланган янги лойиҳаси муҳокама учун матбуотда эълон қилинди [4.9-декабрь].

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтириб ўтилган ўзбек тилининг она тили ва давлат тили сифатидаги ўрни, нуфузи, мавқеига доир муҳим масалалар газета, журналлар саҳифаларида ўз ифодасини топади. Шундай экан, матбуот тил тараққиёти учун курашнинг энг олдинги сафларида бўлмоғи даркор.

#### Адабиётлар:

1. Инъомов Р. Лотин алифбоси учун кураш // Маориф ва ўқитувчи, журнали, 1926, 3-сон.
2. Ҳожиев А. Назарий тилшуносликка оид бир масала // Филология масалалари. Илмий-методик журнал. – Т.: 2006.
3. Асқарова М.А. Бўл сўзининг айрим хусусиятлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Т., 1962
4. Асқарова М.А. Боғловчи-юктамалар ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1962 4-сон.
5. Худойқулов М. Журналистикага кириш. – Т., 2007

*(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).*